



Structural and semantic features of antonomasia in the English literary language

Maftunakhon AKHMATOKHUNOVA¹

Andijan State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025
Received in revised form
10 April 2025
Accepted 2 May 2025
Available online
25 June 2025

Keywords:

antonomasia,
stylistic method,
proper noun,
cognates,
English literature,
onomastics,
structural and semantic
analysis,
stylistic function,
literary speech,
expressiveness.

ABSTRACT

This article analyzes the nature and functions of antonomasia as a stylistic method of the language from a linguistic perspective. The use of proper nouns in English literature, their interaction with cognates and the processes of transition are discussed. Within the framework of the study, the structural and semantic features of antonomasia, its types and main stylistic functions – characteristic and emotional expressiveness – are separately considered. The article reveals the grammatical and semantic peculiarities of proper nouns in language and speech, their importance in creating an image and expressing an idea in literary works.

2181-3701/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol3-iss6/S-pp330-335>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Инглиз адабий тилида антономасиянинг структур-семантик хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

антономасия,
стилистик услуб,
атоқли от,
турдош от,
инглиз адабиёти,
ономастика,
структур-семантик
таҳлил,
стилистик вазифа,
бадий нутқ,
экспрессивлик.

Ушбу мақолада тилнинг стилистик услуби сифатида антономасиянинг табиати ва вазифалари лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган. Инглиз адабиётида атоқли отларнинг қўлланилиши, уларнинг турдош отлар билан ўзаро алоқаси ва ўтиш жараёнлари ёритилган. Тадқиқот доирасида антономасиянинг структур-семантик хусусиятлари, унинг турлари ҳамда асосий стилистик вазифалари – характеристик ва эмоционал экспрессивлик – алоҳида кўриб чиқилган. Мақолада тил ва нутқдаги атоқли отларнинг грамматик ва семантик ўзига хослиги, уларнинг бадий асарларда образ яратиш ва ғояни чуқурроқ ифода этишдаги аҳамияти очиқ берилган.

¹ Andijan State Institute of Foreign Languages. E-mail: stipendiatbotirova96@mail.ru

Структурно-семантические особенности антономасии в английском литературном языке

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

антономасия,
стилистический стиль,
имя собственное,
однокоренное имя,
английская литература,
ономастика,
структурно-
семантический анализ,
стилистическая задача,
художественная речь,
выразительность.

В данной статье анализируются сущность и функции антономасии как стилистического приёма языка с лингвистической точки зрения. Обсуждается употребление имён собственных в английской литературе, их взаимодействие с однокоренными существительными и процессы перехода. В рамках исследования отдельно рассматриваются структурно-семантические особенности антономасии, её виды и основные стилистические функции – характерность и эмоционально-выразительная функция. В статье раскрываются грамматические и семантические особенности имён собственных в языке и речи, их значение в создании образа и более глубоком выражении идеи в литературных произведениях.

Антономасия (юнoнчa: $\acute{\alpha}\nu\tau\omicron\nu\omicron\mu\alpha\sigma\iota\alpha$ – бошқа ном қўйиш, номини ўзгартириш)нинг табиати ва вазифаларининг лингвистик таҳлилидан иборат. Тилнинг бу стилистик услубининг муҳимлигини кўп тадқиқотчилар-тилшунослар: В.В. Виноградов, Л.А. Зулаховский, А. Бем, О. Парсонс, Е. Блюм ва бошқалар кўрсатиб ўтишган. Мисол учун, В.В. Виноградов “бадий адабиётда исмларни, фамилияларни, лақабларни танлаш, турли жанрларда ва усулларда уларнинг структур ўзига хос хусусиятлари ҳақида, уларнинг образли ҳамда характеристик вазифалари ҳақидаги масала – бадий адабиётнинг жуда катта ва ва мураккаб мавзусидир”, деб ёзган [1].

Тадқиқотда ушбу йўналишнинг танланиши антономасиянинг англиз бадий адабиётда ўйнаган муҳим роли, унинг бадий нутқ услубининг ривожланишидаги аҳамияти, унинг ҳозирги англиз адабий тилидаги кўп функционаллиги билан боғлиқдир.

Бу масала бўйича бир қатор ишлар англизча ономастиконнинг (атоқли отлар мажмуининг) ривожланишининг ва қўлланилишининг тарихий ўзига хос хусусиятлари, яна шунингдек англиз тилининг бу луғат гуруҳи учун характерли бўлган сўз яшаш жараёнларини ўрганиш нуқтаи назаридан қизиқиш касб этади. Бироқ, фақат тарихий жуҳатдан кузатиладиган эмас, балки амалдаги жараёнларнинг таҳлили, гарчи тахминан бўлса ҳам, жараённинг ўзини келтириб чиқарадиган ҳаракатлантирувчи кучларни очиб бериши мумкин. Атоқли отларнинг бадий адабиётда ишлашининг таҳлили атоқли отларни турдош отларга ва аксинча ўтиши билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўрганишга, яъни тил ва нутқнинг ўзаро алоқаси юз бериши мумкин бўлган каналлардан бирини очиб ташлашга кўмаклашиши мумкин. Кузатишлар кўрсатадики, индивидуал нутқда биринчи бор пайдо бўлувчи сон-саноксиз инновациялар миқдори тил тизимида киришлари мумкинлигини, айти пайтда бошқалари нутқнинг бойлиги бўлиб қолишларини кўрсатадилар.

Атоқли отларнинг бадий нутқ услубида ишлашини кузатиш қандайдир даражада шакл ва мазмун ўртасида бир-бирига боғланганлик умумий масаласини ҳал қилишга ёрдам беради, чунки, Белинскийнинг сўзларига кўра, ҳақиқий бадий

асарда, ғоя “шаклнинг ичига йўналади ва у ердан шаклнинг барча чеккаларида пайдо бўлади, ўзи билан шаклни иситади ва ёритади”. Тил ифодасининг турли хил фактларини умуман ва атоқли отларни хусусан ишлатиш фақат ёзувчининг индивидуал-бадий методини характерлаб қолмай, балки шунингдек асарнинг ғояларини анча чуқур ва образли етказишга кўмаклашади.

Шундай қилиб, инглиз бадий адабиётида атоқли отлар қўлланилиши масаласининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги, ҳам назарий жиҳатдан тилнинг ишлашини чуқурроқ тушуниш учун нутқ стилистикаси масалаларини, ҳам амалий жиҳатдан ўқитиш учун ўрганишнинг муҳимлиги ва зарурияти мана шу тадқиқотнинг йўналишини белгилаб берди.

Атоқли отларнинг қуйидаги грамматик ва семантик характеристикаси кўрсатилган вазифаларни ҳал қилишга интилади (ҳал қилишни кўзлайди). Маълумки, атоқли отлар ниҳоятда ўзига хос лексик-грамматик категорияни намоён қиладилар ва тилда “алоҳида шахсларнинг ва индивидуал камдан-кам учрайдиган предметларнинг ҳамда ҳодисаларнинг номлари” сифатида ишлайдилар [2]. Бу қонданинг асосий жиҳати воқеликнинг атоқли отлар билан белгиланадиган предметларнинг ва ҳодисаларнинг камдан-кам учрайдиганлигини кўрсатишдир, бу жиҳат совет ва хорижий тилшуносларнинг ишларида атоқли отларнинг аксарият кўпчилик таърифлари учун умумий ҳисобланади [3].

Атоқли отларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тилда ишлаши билан боғлиқ бўлган муҳим сифатий ўзига хослигига қарамасдан, атоқли отлар тарихий жиҳатдан шаклланган, умумлаштирилган шаклда объектив воқеликни акс эттирувчи ҳамда маълум маънога эга бўлган сўзларнинг маълум грамматик “от” разрядига кирадилар, унда объектив оламнинг предметлари ҳақидаги тушунчалар амалга ошадилар. Алоҳида гуруҳга ажралиб чиқар эканлар, атоқли отлар, шунга қарамасдан, сўзларнинг ушбу грамматик синфининг бошқа гуруҳи сўзлари – турдош отлар билан кўп умумийликка эгадирлар. Умуман олганда атоқли отга турдош отни характерловчи ўша барча грамматик категориялар хосдир. Шундай қилиб, масалан, атоқли отларга маълум синтактик вазифалар хосдир: гапда улар кўпинча эга, тўлдирувчи ёки ундалма сифатида келадилар. Атоқли отнинг ва турдош отнинг синтактик вазифаларининг кўпчилиги бир-бирига мос келади. Иккала гуруҳ сўз ясашда кўп умумийликка эгадирлар. “Атоқли ва турдош отларнинг генетик ва функционал ўхшашлигининг исботи, – деб ёзади Л.М. Шчетинин, – улар ўртасидаги сўз ҳосил қилиш алоқаси фактининг ўзигина эмас, балки лингвистик жараёнларнинг бир хиллиги ҳам ҳисобланади, уларнинг натижасида атоқли ва турдош отлар базасида семантик сўз ясаш амалга оширилади” [4]. Бошқача сўзлар билан айтганда, “отларнинг иккала синфи тилнинг ихтиёрида бўлган фонологик, морфологик ва бошқа оппозицияларда бир хил роль ўйнайдилар” [5].

Айни пайтда атоқли отлар бир қатор фарқларга эгадирларки, бу фарқлар уларни турдош отларга ёки, яна уларни аппелятив отлар деб аталувчиларга қарши қўядилар. Демак, атоқли отларнинг грамматик ўзига хослиги (инглиз тилининг ономастикони назарда тутиляпти) уларнинг отлар синфининг грамматик аниқловчилари (артикуль, кўрсатиш, ноаниқ ва эгалик олмоши) билан бирга қўшиб ишлатиш учун мумкинлигининг ўзига хос хусусиятларида намоён бўлади. Атоқли отнинг функционал юкмаси билан тўғри келмайдиган кўрсатилган разрядларнинг артикли ёки олмоши билан қўлланилиши атоқли отнинг

предметли тегишлилигида ўзгаришларни келтириб чиқаради ва уни алоҳида индивидуумнинг номидан ўхшаш предметларнинг синфларидан бирининг номига айлантиради. Бироқ, атоқли отларнинг спецификасини (ўзига хослигини) ташкил қилувчи энг муҳим фарқлар семантиканинг мазмун планида ётадилар.

Атоқли отнинг маъноси ҳақидаги масала турдош отларнинг атоқли отларга ўтиши учун маъновий структурасида мавжуд бўлган ўша дастлабки шартларни аниқлаб олиш учун принципиал аҳамиятга эгадир.

Атоқли ва апеллятив отларнинг мазмун планидаги фарқларнинг мавжудлиги XIX–XX асрларнинг ватан ва хорижий лингвистикасида иккита йўналишнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб хизмат қилди.

Биринчи йўналишнинг намоёндалари таъкидлайдиларки, атоқли отлар лексик маънодан маҳрумдирлар ва улар индивидуумни фарқловчи белги сифатида чиқадиладар, яъни оддий “этикетка” ролини бажарадилар. Бу нуқтаи назар инглиз файласуфи Д. Миллнинг (Mill J.) қуйидаги қондасида энг тўлиқ ва тугалланган ифодасини қўлга киритди: “Атоқли отлар ... ўзлари билдираётган предметларни кўрсатадилар, аммо бу айрим предметларга тегишли бўлиши мумкин бўлган белгиларни бермайдилар, ўз ичига олмайдилар. Биз болани Павел ёки итни Цезарь деб атаганимизда, бу номлар фақат уларнинг предметлари ҳақида гапиришга имкон берадиган шунчаки белгилар бўлиб хизмат қиладилар” [6].

Миллнинг нуқтаи назарига Кейнз (Keynes) ва А. Бейн (Bain) ёндашадилар. Мисол учун, Кейнз ўзининг “Formal Logic” китобида ёзади: “Атоқли от шахсни ёки предметни бошқа шахсдан ёки предметдан фарқлаш учун уларнинг қандайдир хусусиятларини кўрсатмасдан белги сифатида қўлланиладиган от ҳисобланади” [7]. Инглиз грамматика мутахассиси “meaningless” (маънога эга бўлмаган) аниқловчисини “proper” сўзининг синоними деб ҳисоблайди [8]. Бу йўналишнинг вакиллари ўз қоидаларининг асосий исботи деб атоқли отда “ички шаклнинг” йўқлигини, уларнинг ўзларининг дастлабки маъносининг йўқотилганлигини ҳисоблайдилар. Рус тилшунослигида бу фикрни К.С. Аксаков ифодалаган: “Атоқли от, гарчи у қандайдир маълум маънога эга бўлган бўлса ҳам, энди бу маънода қўлланилмайди: масалан, Надежда, атоқли от сифатида маънога эга бўлишни бас қилади ҳамда фақат предметнинг ифодасига айланади” [9].

Иккинчи йўналишнинг намоёндалари атоқли отга нисбатан бошқа нуқтаи назарга асосланадилар, улар атоқли от номинатив вазифадан ташқари маълум семантик юкламага эга деб ҳисоблайдилар. Рус тилшунослигида бу нуқтаи назарга Д. Зеленин риоя қилган, у “Этимологик белгилар” мақоласида ёзади: “атоқли шахсий от ... фақат формал катталиқ эмас, аммо моддий катталиқ ҳамдир: ... (у билан – атоқли от билан) ўша ёки бошқа белги ҳақидаги, ёки белгиларнинг бутун бир гуруҳи ҳақидаги – ушбу субъектнинг номини олиб юрувчининг табиатидан ҳар қандай мутеликсиз тасаввур боғлиқ... атоқли шахсий отлар ўзининг вазифаси (маъноси) бўйича турдош отга жуда яқиндирлар” [10]. Бу концепцияга Ф.И. Буслаев ва М.И. Привалова амал қиладилар. Ф.И. Буслаев “Рус тилининг тарихий грамматикаси”да атоқли отлар умумий тушунчаларни ифодалайдилар, деб ёзади. “Бўлинмайдиган тасаввурларни биз белгилайдиган ҳатто атоқли отлар, худди турдош отлар каби умумий тушунчалар ҳисобланадилар... Маъносига кўра ўз ичига бошқа тушунчаларни ва тасаввурларни оладиган атоқли отлар умумий тушунчалар асосидир, масалан, Пётр, Иван, Василий исмлари ва бошқалар шу номлар билан аталадиган кўплаб шахсларга тегишлидирлар” [11].

М.И. Привалова атоқли отлар маълум конкрет кишини кўрсатишдан ташқари ўз ичига умумий белгиларни (кишини, маълум миллатнинг кишисини, жинсни) оладилар, деб ҳисоблайди [12].

Бир қатор тилшунослар атоқли отлар турдош отларга қараганда кўпроқ бой семантик қамровга эгадирлар, деб ҳисоблайдилар. Мисол учун, О. Есперсен “Грамматик фалсафаси” китобида ёзадики, атоқли отлар турдош отларга қараганда характеристикаларнинг анча кўп сонини ўз ичига оладилар. Бу факт, унинг фикрига кўра, атоқли отнинг турдош отга тез-тез такрорланиб турадиган ўтишининг сабаби бўлиб хизмат қилади. Есперсен атоқли отнинг номинатив маъносининг предметли тегишлилиги ушбу исмнинг соҳиби ҳақидаги бизнинг тасаввуримизни аниқлаштириш билан чуқурлашади, деб ҳисоблайди. Маъно ёки коннотация билимимизнинг ўсишига қараб ўсиб боради. Буни инкор қилиш мумкин эди, агар фақат коннотация исмга нима биландир хослиги ва бу номни биладиган ва қўллайдиган инсон онгидан ташқарида мавжудлиги эканлиги ҳисобга олинса; бироқ бундай тахмин бемаъни ва тилнинг моҳияти ва инсон руҳияти ҳақидаги тўғри тушунчаларга зид келади [13].

Автономасия тилнинг стилистик воситаларидан бири сифатида бадий нутқнинг ифода имкониятларини кенгайтиради ва индивидуал услуб яратишда муҳим ўрин эгаллайди. Унинг асосий вазибалари – персонажларнинг хусусиятларини ёрқинроқ ифодалаш, образнинг эмоционал ва экспрессив кучини ошириш ҳамда асардаги ғоявий йўналишни кучайтиришдан иборат.

Инглиз адабиётида автономасия нафақат образ яратишнинг самарали воситаси, балки ижтимоий ва маданий мазмунни ҳам ифода этувчи омил сифатида хизмат қилади. Унинг қўлланилиши орқали ёзувчилар персонажларнинг ички дунёси, жамиятдаги мавқеи ва психологик ҳолатини чуқурроқ акс эттирадилар. Демак, автономасиянинг ўрганилиши нафақат тилшуносликнинг назарий жиҳатларини бойитади, балки амалиётда – хорижий тил ўқитиш, бадий матн таҳлили ва услубий изланишларда ҳам катта аҳамиятга эга.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. АН СССР, М., 1963 г., стр.38.
2. Грамматика русского языка. АН СССР, М., 1953, § 174.
3. В.В. Виноградов. Современный русский язык. Морфология. МГУ, 1952, стр.58; Е.М. Галкина-Федорук, К.В. Горшкова, Н.М. Шанский. Современный русский язык. М., 1957, стр.200; Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык. М., 1956, стр. 200; Sweet H. A New English Grammar Logical and Historical, Oxford., 1950, p. 57. Curme G.O. Parts of Speech, L.,1935. Srensen H. Word-Classes in Modern English with Special Reference to Proper Names. Copenhagen, 1958, p.54.
4. Щетинин Л.М. Переход имен собственных в нарицательные как способ расширения словарного состава английского языка. Канд.дисс., М., 1960, стр. 39.
5. Trnka. A Theory of Proper Names. Cercetari de lingvistica. Annul.3, suppl.,1958, p.519.
6. Милль Д.С. Система логики. М., 1914, стр.27.
7. Srensen H. The Meaning of Proper Names. Copenhagen, p.36-37.
8. “The Proper Singular or meaningless noun is by its nature the name of one thing”. A. Bain. A Companion to High English Grammar. L.,1887, p.21. Яна қаранг: Вандриес. Язык. М., 1937, стр.179, Реформатский А.А. Введение в языкознание. М., 1960, стр.39.

9. Аксаков К.С. Опыт русской грамматики. М., 1880, стр.58.
10. Зеленин Д. Этимологические заметки. Журнал “Филологические заметки”, вып. II, 1903.
11. Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. М., 1881, стр.6-7.
12. Қаранг: Привалова М.И. Сложные слова и их функции в произведениях М.Е.Салтыкова-Щедрина, Канд.дисс. Л., 1953.
13. Қаранг: Есперсен О. Философия грамматики. М., 1958, стр.72.